

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МАМАТОВ КАМОЛ ШАВҚИЕВИЧ**

**ИССИҚХОНАЛАРДА ПОМИДОРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН  
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ–АСОСЛАНГАН УСУЛ ВА  
ВОСИТАЛАР МАЖМУАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ  
ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**  
**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Маматов Камол Шавқиевич**

Иссиқхоналарда помидорни зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг илмий–асосланган усул ва воситалар мажмуаларини такомиллаштириш .....3

**Маматов Камол Шавқиевич**

Усовершенствование системы научно обоснованных методов и средств защиты томата от вредителей в закрытом грунте.....27

**Mamatov Kamol Shavqievich**

Improvement system of scientific proved methods and means of protection tomato from pests in greenhouses .....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИЛМий–ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МАМАТОВ КАМОЛ ШАВҚИЕВИЧ**

**ИССИҚХОНАЛАРДА ПОМИДОРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН  
ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЛМий–АСОСЛАНГАН УСУЛ ВА  
ВОСИТАЛАР МАЖМУАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ИЛМий ДАРАЖАСИНИ  
ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Qx43 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.t.dau.uz](http://www.t.dau.uz)) ва Ziyonet Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Ходжаев Шамил Турсунович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Кимсанбоев Хожимурод Хамроқулович</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Хайитмуратов Арслонбек Файзуллаевич</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори <b>Умурзоқов Элмурод</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Сабзавотчилик-полизчилик ва картошкачилик</b> <b>илмий-тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2020 йил «3» декабрь соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (542114-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «20» ноябрь куни тарқатилди.

(2020 йил « 22 » октябрь даги 093-рақамли реестр баённомаси).



**Б.А.Сулаймонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

**Э.Т. Бердиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулоти сифатида помидор экини дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида етиштирилиб, дунё аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини маълум даражада қондирмоқда<sup>1</sup>. Помидор ўсимлиги инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, озиқ-овқат рационида муҳим ўрин тутди. Аҳолини бу маҳсулотлар билан йил давомида узлуксиз таъминлаш учун уларнинг ҳосилини касаллик ва зараркунандалардан самарали ҳимоя қилишнинг усул ва воситаларини излаб топиш муҳим аҳамият касб этади. Помидор Республикаимизнинг барча вилоят, туманлари фермер хўжаликларида ва аҳолининг шахсий томорқаларида етиштирилади. Бу экинда турли хил касаллик ва зараркунандалар кўп миқдорда учрайди ва катта зарар келтиради.

Дунёда бугунги кунда иссиқхона шароитида помидор экинини бир неча турдаги зараркунандалар зарарлаб, ҳосил миқдорини камайтириб, унинг сифатини бузмоқда. Бундай зараркунандаларга помидор занг канаси (*Aculops lycopersici* Masee), ўргимчаккана (*Tetranychus urticae* Koch.), иссиқхона оққаноти (*Trialeurodes vaporariorum* West.), иссиқхона трипси (*Heliothrips haemorrhoidalis* Bouché) ва ўсимлик ширалари (*Aphididae*), кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den. et Schiff.), ғўза тунлами (*Helicoverpa armigera* Hbn.), карадрин (*Spodoptera exigua* Hb.), ғовак ҳосил қилувчи пашшалар (*Agromyzidae*), нематодалар (*Meloidogyne*) ва бошқа турли систематик оилаларга мансуб бўлган зараркунандалар билан кучли зарарланиши натижасида ўсимлик ҳосили 40–50% гача, айрим иссиқхоналарда эса, хатто 50–60% гача йўқотилмоқда. Шу билан бир қаторда Республикаимизда олдин учрамаган адвентив ҳашаротлар пайдо бўла бошлади. Буларга мисол тариқасида помидор куяси (*Tuta absoluta* Meyr.) ни олиш мумкин. Шунинг учун бу зараркунандаларнинг биологик ривожланиш хусусиятларини ва зарарини ўрганиб, умумий иссиқхона зараркунандаларига қарши олиб бориладиган кураш чораларини илмий асослаб, иқтисодий тежамкор ва атроф-муҳитга кам захарли усул ва воситалар мажмуини яратиш талаб этилади. Республикаимиз иссиқхоналарида етиштириладиган экинларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун уларнинг пайдо бўлиш вақтини олдиндан билиш ҳамда экологик хавфсиз усулларни яратиш диссертация олдида қўйилган муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикаимизда помидор экинини етиштиришда зараркунандалардан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш асосида экин ҳосилини сақлаб қолиш муҳимдир. Помидор экинини етиштиришда зараркунанда ва касалликларнинг зарари таъсирида умумий ҳосилнинг кўп қисми 10% дан 90% гача йўқотилиши мумкин. Шу сабабли мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга илмий асосланган технология ва воситалар асосида маҳсулотларни етиштириш муҳим аҳамият

---

<sup>1</sup>OERKE E.C. Crop losses to pests. Journal of Agricultural Science, Institute for Plant Diseases, Cambridge University Press, 2005.

касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор йўналишда вазифалар белгиланган<sup>2</sup>. Шунга кўра, помидор етиштиришда уларни зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг уйғун-лашган кураш тизимини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш амалиётида кенг жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5388-сонли фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлдаги «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-484-сон қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг юқори самарадор, экологик соф технологияларини яратиш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги экинларини касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш усуллариининг самарадорлигини ошириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий–тадқиқотлар шарҳи.**

Сабзавот экинларининг асосий зарарли турлари ва уларга қарши кураш чора–тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етук илмий–тадқиқот марказлари ва илмий муассасалари: Michigan state University and Mississippi state University (Америка) Instituto Nacional de Tecnologia Agropecuaria (Аргентина), The New Zealand Institute for Plant & Food Research Limited (Янги Зеландия), Australian Plague Locust Commission (Австралия), China Agricultural University (Хитой), Россия ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий–тадқиқот институти (ВИЗР), Ҳалқлар дустлиги университети (Россия), Зоология институти (Россия), Беларусия миллий академияси (Белоруссия), Қозоғистон фитосанитар диагностика ва прогнозлаш услубий маркази (Қозоғистон), Қозоғистон ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантини илмий–тадқиқот институти (Қозоғистон), Зоология институти (Қозоғистон), Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий–тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Дунёда сабзавот экинларининг зараркунандаларига қарши кураш тизимини яратишга доир олиб борилган илмий–тадқиқотлар асосида, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: иссиқхонада помидор зараркунандаларининг тарқалиши ҳамда уларнинг тур таркиби, айрим кемирувчи ва сўрувчи доминант тур зараркунандаларнинг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари ўрганилган (Michigan state University and Mississippi state University (Америка), Australian Plague Locust Commission

(Австралия), China Agricultural University (Хитой); иссиқхона хўжаликларида зараркундаларга қарши уйғунлашган курашнинг илмий асослари ишлаб чиқилган (Россия Бутун иттифоқ ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий–тадқиқот институти (ВИЗР), Ҳалқлар дустлиги университети (Россия), Қозоғистон фитосанитар диагностика ва прогнозлаш услубий маркази (Қозоғистон).

Сўнги йилларда дунёда помидор ўсимлиги зараркундаларига қарши курашда бир қатор устувор йўналишлар бўйича изланишлар давом этмоқда, жумладан: помидорда учрайдиган адвентив тур зараркундаларнинг биоэкологияси, ривожланиш хусусиятлари, уларнинг кўпайиш омилларига доир тадқиқотлар бўйича маълумотларни тўплаш; экологик хавфсиз бўлган микробиологик препаратлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва кенг жорий этиш; турли гуруҳга мансуб замонавий кимёвий инсектицидларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш; сабзаёт зараркундаларига қарши курашда уйғунлашган кураш тизимини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этишдан иборат.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё иссиқхоналарида помидор ўсимлигида 100 дан ортиқ зараркунда ҳашарот турлари учраб зарар келтириши ҳақидаги маълумотлар бор. Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка давлатларида мунтазам равишда кенг қамровли илмий изланишлар олиб борган куйдаги олимларнинг: E.Johnson, W.Karnkowski, H.H.Keifer, G.S.Labanowski, D.G.Kim, V.Krumov, O.Karadjova, C.A.Бурейки, F.Geraud–Pouey, B.Sanchez, D.T.Chirinos, M.F.Garcia, J.C.Espul, A.A.Fernando, J.J.Drea, R.M.Hendrickson, M.M.Davitson, R.C.F.Butler, D.A.J.Teulon, M.C.F.Coelho, F.H.Franca, C.C.Childers, S.Nakahara, L.D.Changler, F.E.Gilstrap, H.F.Brodsgaard, M.Braham, D.Bordat, P.Robert, M.Renand, M.J.Berlinger, T.Baranowski, E.W.Baker, S.Bailey, A.B.Atygalle, E.L.Araejo, C.N.Feisota, A.C.Noguera, В.В.Яхонтов, Ф.Я.Яркулов, В.Н.Юваров, Ю.И.Мешков, И.Н.Яковлева, Н.Н.Салобукина, Ш.Т.Хўжаев, Б.А.Сулаймонов, Х.Х.Кимсанбоев, У.Д.Ортиков, Р.Муминова, Д.Рашидов, В.Г.Шевченко, П.Я.Чумак, С.М.Дигера, О.О.Сикало, Т.П.Мазур ва бошқаларнинг изланиш натижалари чоп этилган.

Адабиётлар таҳлилига кўра, қишлоқ хўжалик экинларида 80 мингдан ортиқ турдаги ҳашарот ва ўргимчаклар синфларига мансуб зарарли организмлар учраши аниқланган. Жумладан, сабзаёт экинларида ҳам зарарли организмларни юзлаб турлари учраши аниқланган. Булардан тунламлар, ўсимлик ширалари, ўргимчаксимонлар, оққанотлар, нематодалар ашаддий зараркундалар ҳисобланади ва қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар етказди. Бунда помидор куяси ва ғўза тунлами билан зарарланган сабзаёт экинларининг ҳосили 50–60%, оққанот ёки ўргимчаккана билан зарарланганда эса, умумий ҳосил 15–20% камайиб кетиши таъкидланган. Илмий изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим ёки илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий–тадқиқот

институти режасининг КХА–9–063: «Иссиқхоналардаги экинларни зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг истиқболли усул ва воситаларини яратиш» (2015–2017 йй.), ВА–КХФ–5–008–2017 «Томатдошлар оиласига мансуб экинларни зарарлайдиган помидор куясининг биологик хусусиятларини ўрганиш асосида популяция сонини бошқаришнинг илмий–амалий асослари» (2017–2020 йй.), КХА–9–004–2017 «Сабзавот экинлари агробиоценозида зараркунандалар сонини бошқаришда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш» (2016–2017 йй.) мавзуларидаги илмий–тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Иссиқхоналарда помидор зараркунандаларининг тур таркиби, асосий зараркунандаларнинг биологик ва экологик хусусиятлари, тарқалишини харитага тушириш ҳамда четдан кириб келган янги помидор ва картошка куялари, иссиқхона трипси каби зараркунандаларнинг тарқалишини башорат қилиш ҳамда уларга қарши биологик, генетик ҳамда кимёвий кураш усул ва воситаларини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қўйидагилардан иборат:

иссиқхонада экиладиган помидор экинида зараркунандаларнинг тур таркиби ва тарқалишини аниқлаш;

аниқланган ҳар бир зараркунанданинг зарарини ва унинг боғлиқлигини ўрганиш асосида иқтисодий зарар берадиган миқдор меъзонини яратиш;

помидор куяси (*Tuta absoluta*) нинг ривожланиш хусусиятлари, тарқалиши ва зарарлилик даражасини аниқлаш;

иссиқхоналарда ўсувчи помидор ўсимлиги зараркунандаларининг табиий кушандалари ва уларнинг аҳамиятига баҳо бериш;

помидор зараркунандаларини тарқалишини олдини олиш, нокимёвий, ресурстежамкор ҳамда кам захарли усул ва воситалар мажмуини яратиш;

тангақанотлилар (*Lepidoptera*) туркумига кирувчи зараркунанда ҳашаротларга қарши феромониторинг усулини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

зараркунандалар мажмуига қарши синалган замонавий ва самарали пестицидларни самарадорлигини аниқлаш ҳамда амалий жорий этиш;

барча ижобий натижалар кўрсатган ҳимоя тадбирларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иссиқхонада барча агротехник талабларга риоя қилинган ҳолда экиладиган помидор ўсимлигининг турли хил навлари ва уларга зарар келтирадиган сўрувчи ва кемирувчи зараркунандалар ҳамда фойдали ҳашаротлар олинган.

**Тадқиқот предмети сифатида** ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланилаётган истиқболли кимёвий воситалар ва феромон тутқичлар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар умум қабул қилинган энтомологик қоидалар асосида ўтказилди (Фасулати, 1961; Палий, 1970; Успенский, 1973; Ходжаев 1994, 2018; Нурматов ва б. 2007).



Ҳашаротларнинг ривожланишини ўрганишда И.В.Кожанчиков (1961), В.И.Танский (1975, 1988) ҳамда Ш.Т.Хўжаев (2018) усулларидан фойдаланилди. Токсикологик тадқиқотларни К.А.Гар (1963, 1967), Ш.Т.Хўжаев (2004) ва W.Abbot (1925) усулларига риоя қилиб бажарилди; хўжалик ва иқтисодий самарадорлик А.Ф.Ченкин (1979) ҳамда Ш.Т.Хўжаев (2004) тавсиялари асосида ҳисобланди. Олинган натижалар дисперсион анализ қилиниб, математик ва статистик ишловлар, ўртача (**S+m**) ва энг кичик фарқ (ЭКФ) Б.Доспехов усули бўйича аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иссиқхонада экиладиган помидор экинида зараркунандаларнинг тур таркиби ва тарқалиши аниқланган;

аниқланган ҳар бир зараркунанданинг зарари ва унинг боғлиқлигини ўрганиш асосида иқтисодий зарар берадиган миқдор мезони аниқланган;

помидор куяси (*Tuta absoluta*) нинг ривожланиш хусусиятлари, тарқалиши ва зарарлилик даражаси аниқланган;

иссиқхоналарда ўсувчи помидор ўсимлиги зараркунандаларининг табиий кушандалари ва уларнинг аҳамиятига баҳо берилган;

помидор зараркунандалар тарқалишига қарши олдини олиш, нокимёвий, ресурстежамкор ҳамда камзахарли усул ва воситалар мажмуи яратилган;

тангақанотлилар (*Lepidoptera*) туркумига кировчи зараркунанда ҳашаротларга қарши феромониторинг усули ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

зараркунандалар мажмуига қарши синалган замонавий ва самарали пестицидларнинг самарадорлиги аниқланган ва амалиётга жорий этилган;

барча ижобий натижа кўрсатган ҳимоя тадбирларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги баҳоланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Иссиқхоналарда помидор ва бошқа сабзавот экинларига зараркунандаларининг 9 та туркумга мансуб 26 тури қайд этилиб, улардан ундан ортиқ тури помидор экини учун хавfli зараркунанда эканлиги ҳамда хорижий мамлакатлардан кириб келган помидор ва картошка куялари ҳамда иссиқхона трипсининг биоэкологияси ва ривожланишининг фенологияси ўрганилган ҳамда тарқалиш сабаблари исботлаб берилган.

Иссиқхонада етиштириладиган помидор ўсимлигида оққанотга қарши Амплиго (0,6–0,8 л/га.), иссиқхона трипсига қарши Поло (0,1 л/га.), Капито (0,25 л/га.), Крейсер (2,0 л/га.), занг канага қарши Эффектум–Дуо (0,15 л/га.), Римон Фаст (0,3–0,5 л/га.), Вертимек (0,2 л/га.) кузги тунламга қарши Дельтацис (0,5 л/га.), Торпедо жет (0,3 л/га.), ғўза тунламига қарши Эмабен (0,35 кг/га.), Индекс (0,4 л/га.), Юнона (0,35 л/га.), гамма тунламига қарши: Нокаут (0,4 л/га.), Жайам (0,8 л/га.), ғовак ҳосил қилувчи пашшага қарши: А.3.3 (0,15 л/га.), Агроплан Нео (0,4 л/га.), Капито (0,25 л/га.), помидор куясига қарши: Мекар (0,1–0,2 л/га.), Абамек (0,3 л/га.), Алтакор (0,1–0,12 л/га.), Бензоат суперс (0,15–0,25 л/га.), нематодаларга қарши Нематозин (5 мл/1 м<sup>2</sup>), Макоп (30,0 кг/га.) препаратлари қўлланилганда юқори биологик

самара қайд этилиши ва гектаридан 150–190 ц. хосил сақлаб қолиши ҳамда ҳимоя учун сарфланган маблағ 4,8-5,1 мартагача қопланилиши мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлар замонавий услублар ёрдамида ўтказилганлиги ҳамда натижаларга математик ишлов берилганлиги, тадқиқотлар лаборатория, кичик ва катта дала тажрибаларида кетма–кет бир–бирини тасдиқлайдиган натижалар бўйича асосий хулосалар чиқарилганлиги, олинган натижаларнинг етакчи мутахассислар томонидан баҳоланганлиги ва изланиш натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, олинган натижаларни республика ва ҳалқаро миқёсда илмий анжуманларда муҳокама қилиниб Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқотларнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Олинган илмий натижалар энтомология соҳасидаги назарий билимларни янада кенгайтириб, иссиқхоналардаги зараркунанда-фитофагларнинг тур таркиби, уларнинг энтомофаглар билан узвий боғлиқлигининг замонавий аҳволига баҳо бериб, бу станция агробиоценозини бошқаришда инсон омилининг тутган ўрни белгилаб берилди. Зараркунандаларнинг сонини бошқаришда иссиқхоналарда энтомофаглар, микробиологик ва кимёвий препаратларни самарали ишлатиш регламенти ишлаб чиқилди. Худудларимизга яқинда кириб келган помидор куяси (*Tuta absoluta*) ҳақида ва унинг экстремал иқлим шароитларимизда ривожланиш хусусиятлари батафсил ўрганилган.

Тадқиқотларимизнинг амалий аҳамияти иссиқхоналарда помидор зараркунандаларига қарши замонавий кураш тизими яратилиб жорий қилиниши; илкбор помидор куясига қарши турли усулларни қамраган ҳолда уйғунлашган кураш тизими яратилиб жорий этилиши билан изоҳланади. Диссертацияда келтирилган материаллардан ўсимликларни ҳимоя қилиш амалиётида, шунингдек Республика олий ўқув юртларида, касб-хунар коллежларида «Энтомология», «Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш», «Қишлоқ хўжалик энтомологияси» ва «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» фанларини ўқитишда фойдаланиш имкониятлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иссиқхоналарда помидорни зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг илмий–асосланган усул ва воситалар мажмуаларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

Иссиқхоналарда помидорда оққанотга қарши 7 та, занг канага қарши 9 та, кемирувчи зараркунандалардан кузги тунламга қарши 5 та, ғўза тунлами қуртларига қарши 3 та, гамма тунламига қарши: 5 та, ғовак ҳосил қилувчи пашшага қарши 6 та, нематодларга қарши 4 та, помидор куясига қарши 11 та, жами 50 та турли гуруҳга мансуб кимёвий препаратлар помидор зараркунандаларига қарши қўллаш учун «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари Рўйхати» га киритилган (Ўзбекистон Республикаси кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари Давлат комиссиясининг 2020 йил 10 мартдаги 2-

5/67-сон маълумотномаси). Натижада ушбу рўйхатга киритилган воситалардан иссиқхоналарда помидор зараркунандаларига қарши курашда кенг фойдаланилган;

помидор экинида Оққанотга қарши Амплиго 150 м.к.сус. 0,6-0,8 л/га , Капито 50% эм.к. 0,8 л/га., Занг канага қарши Эффектум-Дуо 40% к.с. 0,15 л/га., Гексамек 1,8% к.э., 0,2 л/га., Капито 50% эм.к. 0,225 л/га., Вертимек, 1,8% к.э. 0,2 л/га., Кузги тунламга қарши Дельтацис 2,5% эм.к. 0,5 л/га., Децис 2,5% эм.к. 0,7 л/га. Ғўза тунламига: Индекс 15% сус.к.0,4 л/га., Эмабен 5% с.э.г. 0,35 кг/га., Ғовак ҳосил қилувчи пашшага қарши: А.3.3 3,8% э.к. 0,15 л/га., Помидор куясига қарши: Мекар МЭ (18 г/л.) 0,1-0,2 л/га., Абабек 1,8% к.э. 0,3 л/га., GF-1587 0,4 л/га., Кораген 200 к.э. 0,2 л/га., Аваунт 15% к.э. 0,45 л/га., Бензоат супер 10% с.э.г. 0,15-0,25 л/га. сарф меъёрларида Тошкент ва Самарақанд вилоятлари иссиқхона хўжаликларида жами 4 гектар майдонда жорий этилган («Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 20 майдаги 01–13/321–сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ўсимликларни химоя қилиш учун сарфланган хар 1 сўм эвазига 4,8–5,1 сўмлик қўшимча маҳсулот олинган.

Тошкент ва Самарақанд вилоятлари иссиқхона хўжаликларида помидорнинг сўрувчи зараркунандаларига қарши Эффектум-Дуо 40% эм.к. (0,15 л/га.), Капито 93% эм.к. (0,25 л/га.) ва бошқа препаратлар синовдан ўтказилиб, уларнинг қўллаш регламенти ишлаб чиқилган ҳамда 2016-2019 йилларда 5 гектар майдонга жорий этилган, (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 8 майдаги 02/025–1333 сон маълумотномаси). Натижада ўртача 173-190 центнергача помидор ҳосили сақлаб қолинган;

помидорнинг помидорнинг кемирувчи зараркунандаларига қарши Короген 200 к.э. (0,2 л/га., Амплиго 150 м.к.сус. (0,8 л/га.) препаратлари 2016-2019 йилларда 5 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 8 майдаги 02/025–1333 сон маълумотномаси). Натижада ўртача 300 центнергача помидор ҳосили сақлаб қолинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар хар йили ЎзҚХООТИИЧМ ва ЎХҚИТИ тамонидан тузилган махсус апробация комиссияси аъзолари тамонидан кўриқдан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Диссертация тадқиқоти натижалари 23 та, жумладан 17 та Республика ва 6 та халқаро илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация тамонидан докторлик диссертациялари учун асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 мақола, жумладан 15 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган, шунингдек 2 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иссиқхонада помидор зараркунандаларининг ривожланиши, зарари ва уларга қарши курашнинг аҳволи (адабиётлар таҳлили)»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётларда келтирилган илмий тадқиқотлар натижаларининг батафсил таҳлили берилган. Иссиқхоналарда помидор экини зараркунандаларининг тур таркиби тарқалиши, келтирадиган зарари ва уларга қарши курашнинг бугунги кундаги аҳволи ва истиқболлари бўйича маълумотлар келтирилган. Шунинг помидор биоценозида табиий кушандаларнинг тур таркиби ҳамда зараркунандаларнинг сонини бошқаришдаги аҳамияти, зараркунандаларга қарши агротехник, биологик, кимёвий кураш усуллари ва воситаларнинг қўллаш имкониятлари ва истиқболларининг таҳлили баён этилган.

Диссертациянинг **«Тажриба ўтказиш жойи, материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган жойларнинг табиий иқлим шароитлари ва географик жойлашуви ҳамда тадқиқот ўтказиш услублари келтирилган.

Диссертация иши 2016–2018 йиллар давомида Тошкент, Самарқанд вилоятларида ҳамда Ўсимликларни химоя қилиш илмий–тадқиқот институтининг «Сабзавот, полиз ва картошка экинлари зараркунандаларини ўрганиш» лабораториясида олиб борилганлиги келтирилган.

Зараркунандалар ва уларнинг табиий энтомофагларининг тур таркиби В.П.Палий, Г.Я.Бей–Биенко, Н.В.Бондаренколар (1977) томонидан тузилган аниқлагичлар ҳамда ЎзР ФА Зоология институти ва ЎХҚИТИ ходимлари ёрдамида аниқланган. Тунлам капалакларини тур таркибини аниқлашда БУФ–30 маркали ёруғлик тутқичдан фойдаланиб, ҳар 3 кунда тутқичга тушган ҳашаротлар йиғиб олиниб уларнинг тури аниқланди. Иссиқхоналар тупроғида яшайдиган ҳашаротларни ҳисоб қилиш ишлари 10 кунда тупрокни 0,25 кв. м. сатҳи аста секин кавлаб элакдан ўтказиб, ундаги бор ҳашаротлар териб олинди. Йиғилган ҳашаротлар лабораторияга олиб келиниб, қуртлари етук зот ҳосил бўлгунга қадар боқилиб, тур таркиби

аниқланди. Иссиқхонадаги зараркунанда турларининг доминантлиги К.К.Фасулати (1966) формуласи ёрдамида аниқланди. Фитофаглар ва энтомофаглар сонини В.А.Трапицин ва б. услублари бўйича олиб борилди. Фитофагларнинг зарари ва иқтисодий зарарли миқдор мезони (ИХЧМ) В.М.Танскийнинг услубий қўлланмаси бўйича куйидаги формуладан фойдаланилди. Бунинг учун ўсимликлар 4 гуруҳга бўлиб олинди. Ҳар бир гуруҳда 5 та ўсимлик бўлиб, уларнинг ҳар бири лабораторияда кўпайтириб олинган фитофаглар билан зарарлантирилди. Ҳар бир ўсимликка фитофаг турига қараб ҳашаротлар билан зарарлантирилиб ҳар 3 кунда кузатув олиб борилди.

Зарарланиш даражаси 5 баллик тизим (1 баллда 0–10%; 2 баллда 11–25%; 3 баллда 26–50%; 4 баллда 51–75%; 5 баллда 76–100% зарарланиш) ёрдамида аниқланди.

Турли даражада зарарланган ва назоратдаги зарарланмаган ўсимликлардан олинган ҳосил Б.Д.Азимов (1995) услуби бўйича қиёсий таққослаш йўли билан аниқланди. Агротехникага доир барча ишлар Х.Ч.Бўриев ва бошқаларнинг тавсиялари асосида олиб борилди. Ўсимликлар фенологиясини ўрганишда Б.Д.Азимов (1995) услубидан фойдаланилди.

Инсектицидларнинг биологик самарадорлиги К.А.Гар услубий қўлланмалари, W.Abbott формуласи ҳамда Ш.Т.Хўжаевнинг услубий кўрсатмалари бўйича олиб борилди. Кичик ҳажмдаги тажрибаларда препаратлар моторли қўл аппарати ёрдамида ўсимлик ҳолатига қараб 800–1000 л/га. ишчи суюқлиги ҳисобида сепилди. Катта дала тажрибаларида иссиқхоналарда махсус марказлашган пуркагичлар ёрдамида, 1000 л/га. ишчи суюқлик сарфланиб қўлланилди.

Кимёвий ва микробиологик препаратларни энтомофагларга таъсирини Б.Б.Адашкевич ва бошқалар (1983) услуби бўйича ўрганилди. Биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ҳўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлашда А.Ф.Ченкин (1990) нинг услубий қўлланмаларидан фойдаланилди. Тадқиқотлардаги ҳисобланган статистик таҳлиллар А.К.Гар, Б.А.Доспехов ва Г.Ф.Лакин услубий қўлланмалари асосида ўтказилди.

Диссертациянинг **«Иссиқхонада помидор зараркунандаларининг биоэкологияси ва келтирадиган зарари»** деб номланган учинчи бобида иссиқхонада етиштириладиган помидорда зарар етказиб яшовчи зараркунандаларнинг систематик таҳлили келтирилган. Кузатишларимиз натижаси шуни кўрсатдики, иссиқхонада экиладиган сабзаёт экинларида 26 тур, яъни, каналар (*Acariphormes*) туркумига мансуб 2 тур, тангача қанотлилар (*Lepidoptera*) туркумига мансуб 4 тур, қаттиқ қанотлилар (*Coleoptera*) туркумига мансуб 10 тур, тенгқанотлилар (*Homoptera*) туркумига мансуб 4 тур, пуфакоёқлилар туркумига мансуб (*Thysanoptera*) 2 тур, иккиқанотлилар (*Diptera*) туркумига мансуб 1 тур бўғиноёқли жониворлар, ҳамда юмалоқ чувалчанглар типи, нематодалар (*Nematoda*) синфига мансуб 3 тур зараркунандаларнинг зарар келтириши аниқланди.

2016–2018 йилларда Республика иссиқхоналари бўйича ер остки тунламлар (ундов ва кузги тунлам) помидорга неча фоиз зарар келтириш

даражасини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилди. Бунда «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ нинг вилоятлардаги филиалларининг маълумотларидан ҳам фойдаланилди. Помидорнинг ер остки қисмини зарарловчи бўғиноёқли хайвонларни иссиқхоналарда экилган помидорга зарар келтириши, экилган майдонга нисбатан Қорақалпоғистон Республикасида 20%, Тошкент вилоятида 31%, Наманган вилоятида 26% ни, Самарқанд вилояти 22%, Андижон вилояти 25%, Фарғона вилояти 30%, Қашқадарё вилояти 23%, Жиззах вилояти 21%, Сурхандарё вилояти 15% ҳамда Бухоро вилоятида 10%, Навоий вилоятида 9% гача майдонда мавжудлиги аниқланди.

Помидор экилган очик майдонларда ҳамда иссиқхонада кузги тунлам қуртларининг ҳар бир ривожланиш даврида ўлчамини таққослаш учун кузатувлар олиб борилди, далада ривожланган қуртларнинг (лабораторияда ўлчанди) ўлчами биринчи ёшиники 3–4 мм. олтинчи ёшиники эса, 35–42 мм. эканлиги аниқланди. Иссиқхонада эса, кузги тунлам қуртларининг ривожланиш даври узоқроқ бўлиб, катталиги эса қисқароқ, яъни 1–ёш қуртлар 2,5–3 мм. гача, 6–ёш қуртлар 28–32 мм. гача бўлиши кузатилди. Тунлам ғумбагининг узунлиги 16–20 мм. (очик далада), 12–18 мм. (иссиқхонада) эканлиги кузатувларда қайд этилди. Демак, кузги тунламнинг қуртлари очик дала шароитларида яхши ривожланиб, иссиқхонага нисбатан йирикроқ бўлиши аниқланди.

Помидор гуллаш давридан бошлаб ғўза тунлами билан зарарланганида назоратга нисбатан ҳосилдорлик 73,3% гача камайиши аниқланди (1–расмга қаранг).



**1–расм. Ғўза тунлами қуртларининг помидор меваларига етказадиган зарари**

Ҳар бир ўсимликдан эса 2,15 кг. гача ҳосил камайганлиги маълум бўлди. Мева тугиш даврида ғўза тунлами билан зарарланган ўсимликлар эса, назоратга нисбатан меваларнинг 53,3% камайиши кузатилиб, ҳар 1 туп ўсимликда 1,4 кг. ҳосил нобуд бўлиши кузатилди. Ғўза тунламининг иссиқхона шароитида ИҲММ ни ўрганилганда қуйидаги натижалар олинди. Агарда 1 ўсимликга ғўза тунламининг 1 та қурти тўғри келса назоратга нисбатан мевалар сони 14,1 дона камайган, мевалар оғирлиги ҳам ҳар бир туп помидордан 1350,2 гр. кам олинган. Тажрибани иккинчи вариантида, 1 та ўсимликда ғўза тунламининг 2 дона қурти учраганда, назоратга нисбатан мева ҳосили бир туп ўсимликда 1787,2 гр. камайган бўлиб, зарарлилик коэффициенти эса 79,7% ни ташкил этди (1–жадвалга қаранг).

Олиб борилган тажрибалардан кўриниб турибдики, ғўза тунламининг иссиқхона шароитида иқтисодий хавfli миқдор мезони мева пишиш даврида бир туп ўсимликда 0,06 тани, яъни 100 туп ўсимликда 6 ва ундан кўп қурт мавжудлиги ҳисобланди. Яъни бунда зараркунандага қарши ҳимоя қилиш тадбирларини ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

Кейинги йилларда гамма тунлами нафақат очик майдонларда балки, иссиқхоналарда ҳам ривожланиб помидор ўсимлигига зарар етказаётганлиги кузатилмоқда. Иссиқхонага кузда помидор экилганидан сўнг, гамма тунламининг капалаклари ташқаридан учиб кириши ва тухум қўйиши сентябр ойининг биринчи ўн кунлигида кузатилади. Тухумдан куртларнинг чиқиши эса, шу ойнинг 2–ўн кунлигига тўғри келиб, 30–35 кун давомида ривожланиб помидор ўсимлигига катта зарар етказади.

### 1–жадвал

#### Иссиқхонада помидор ўсимлигида ғўза тунламинингиктисодий ҳавfli чегара мезони (ИХЧМ) $n=5$ , $M\pm m$

(«Шомурод ўғли» МЖЧ иссиқхонаси, нав Sharlota F<sub>1</sub>2016–2018 йй.)

1 та ўсимликдаги куртлар сони, дона	1та ўсимликдан олинган ўртача ҳосил, г	1та ўсимликдаги мевалар сони, дона	Ҳосилнинг камайиши, г	Зарарлилик коэффициенти, %	ИХЧМ
Назорат (зараркундасиз)	2210,2±0,86	22,8±0,8	–	–	0,06
1	859,26±0,71	8,7±0,42	1350,2±1,15	60,856±0,886	
P<	0,01	0,05	–	–	
2	422,4±0,57	3,85±0,37	1787,2±0,86	79,702±0,918	
P<	0,05	0,05	–	–	
3	346,2±1,15	4,06±0,59	1864,2±1,06	84,08±0,64	
P<	0,05	0,05	–	–	

Иккинчи авлод капалакларининг учиб тухум қўйиши октябр ойининг учинчи ва ноябр ойининг биринчи ўн кунликларига тўғри келади. Ноябрь ойининг 2–ва 3–ўн кунлигида тухумдан куртлар чиқиши кузатилди. Гамма тунламининг ўсимликдаги энг кўп миқдори октябр ойининг 3–ўн кунлиги ва ноябр ойининг 1–ўн кунлигида кузатилиб, бунда 1 та ўсимликда куртлар сони 12–23 тани ташкил этди. Ҳар 1 туп помидор ўсимлигига гамма тунламининг 3 та курти тўғри келса, олинадиган ҳосилнинг 70,9–73,2% гача бўлган қисми нобуд бўлганлиги аниқланди. Кейинги вариантда эса яъни 1 туп помидор ўсимлигида 4 дона (1–2 ёшдаги) курт бўлганида, олинадиган ҳосилнинг 83,3–90% қисми нобуд бўлиши кузатилди.

Республикамизнинг Навоий ва Бухоро вилоятларидаги иссиқхоналарда помидор қуясининг дастлабки тарқалиш ўчоғи 2015 йилда аниқланди.

Бу зараркунандага қарши кураш чоралари бўйича фермерларда аниқ маълумотлар бўлмаганлиги сабабли, олинадиган ҳосилдорлик 80% гача пасайиб, айрим фермерларда экилган помидор қўчатлари бутунлай қуриб қолиши ҳам кузатилди. Помидор қуяси 2017 йилда Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларида тарқалган бўлса, 2017–2018 йилларда Хоразм вилоятида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида тарқалганлиги, кейинчалик эса, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларида ўртача миқдорда учраганлиги, қолган вилоятларда помидор қуясининг кўп миқдорда тарқалганлиги тизмали кузатувлар давомида аниқланиб жадвалга туширилди (2–жадвалга қаранг).

Помидор қуяси (*T. absoluta*) ва унинг биоэкологик ривожланиш хусусиятлари. Тангачақанотлилар (*Lepidoptera*) туркуми, уйимқанотлилар (*Gelechiidae*) оиласига мансуб бўлган помидор қуяси (*T. absoluta*) тўлик

ривожланувчи ҳашарот бўлиб, тангачалари ҳамда ўзига хос қора доғлари мавжуд бўлиши уни аниқлаш учун ҳисобга олинадиган энг муҳим (идентификацион) белгилардан ҳисобланади.

## 2–жадвал

### Республикамиз вилоятларида помидор куясининг тарқалиши 2016–2018 йиллар маълумоти

т/р	Вилоят номлари	Йиллар бўйича		
		2017	2018	2019
Зараркунанданинг тарқалганлик даражаси				
1.	Қароқалпоғистон рес.	+	+++	+++
2.	Хоразм	+	+++	+++
3.	Фарғона	–	+	++
4.	Андижон	–	+	++
5.	Наманган	–	+	++
6.	Тошкент	+	++	+++
7.	Сирдарё	+	++	+++
8.	Жиззах	+	++	+++
9.	Самарқанд	+	++	+++
10.	Навоий	+	++	+++
11.	Бухоро	+	++	+++
12.	Қашқадарё	+	++	+++
13.	Сурхондарё	+	++	+++

Изоҳ: – – учрамаган; + – кам сонда учраши; ++ – ўртача миқдорда учраши, +++ – кўп сонда учраши.

Бундай белгилар қаторига куя қуртининг 1–ёшдан 4–ёшгача бўлган ривожланиш давридаги белгилари ҳам киради. Бу ҳашаротнинг капалаги асосан кечқурун ҳаракатланади кундузи эса, ўсимлик баргининг орқа қисмида жойлашиб олади (2–расмга қаранг). Бир урғочи зот 1 йилда ҳаммаси бўлиб 250–300 тагача тухум қўйиши мумкин.

Тухуми. Урғочи капалак тухумини асосан ўсимлик баргининг остки, устки ва ўсув нуқталарига, айрим пайтларда тупроққа ҳам қўйиши мумкин. Тухуми цилиндр шаклда бўлиб, янги қўйилгани оқ рангда, камалаксимон товланиб, кейинчалик, вақт ўтиши билан, тўқ–сарик тус олади. Қуртлар тухумдан чиқишидан 4–6 соат олдин секин–аста ҳаракатга кириши кузатилади. Қуртлар тухум ичини кемириб ўзига чиқиш учун тешик очади ва тухумдан 0,1 мм. узунликдаги қурт чиқади.



1



2



3



4

2–расм. Помидор куяси ва унинг ҳаётий шакллари: 1–капалаги, 2–тухуми, 3–қурти, 4–ғумбаги.

Тухумдан чиққан қуртлар оқиш кулранг тусда бўлиб, бош қисми эса қорамтир рангда (диагностик белги), бўлади. Қуртларнинг елка томонида, яъни биринчи қўкрак сегментида ярим юмалоқ қора доғ мавжуд. Ана шу белгиси билан у картошка куясидан фарқ қилади. Қурти дастлаб барг тўқимасини қиртишлаб еб, сўнг тўқима ичига кириб озикланади. Шунингдек қуртлар яшил ранг помидор меваларининг ичига кириб, ҳамда гул ва



шоналари билан озикланиб, 7–23 кунда ривожланишни якунлаб ғумбакка айланишга тайёргарлик кўради. Қуртлар аввалига ипак тўр тўқийди, сўнг ички қаватини тўқийди. Қуртлар 20–26 соат давомида пиллани тайёрлаб ғумбакка айланади. Пилланинг узунлиги 5–6 мм., эни 4 мм. ни ташкил қилади. Эркагининг ғумбаги, одатда урғочиси ғумбагига нисбатан кичикроқ бўлади. Ғумбаги оч–қўнғир тусли, узунлиги 6 мм. атрофида бўлиб, баргларда ғовак ичида тупроқда ёки ўсимлик қолдиқлари орасида, айрим пайтларда зарарланган ва ўралган барглари устида ипаксимон пилла ичида ўтади.

Помидор куясининг ривожланишини ўрганиш учун 3 вариантда тажриба ишлари олиб борилди. Биринчи вариантда ҳарорат ўртача 18–20°C, ҳавонинг нисбий намлиги эса 50–65% бўлганида, куя тухумининг ривожланиши учун 7,9 кун талаб этилди; 1–2 ёш қуртларининг ривожланиши учун 11 кун. 3–4 ёш қуртларининг ривожланиши учун яна 12 кун талаб этилди. Ғумбаклари эса 16 кун ривожланиб, улардан капалаклар учиб чиқди. Ҳар бир авлод учун 18–20°C (50–65% намлик) да 46,8 кун талаб этилди. Иккинчи вариантда ҳарорат ўртача 20–25°C, нисбий намлик 55–60% бўлганида, куянинг ривожланиши учун 21 кун керак бўлди. Учинчи вариантда 25–30°C ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 50–40% бўлганида, 15,2 кунда 1 авлоднинг тўлиқ ривожланиши кузатилди (3–жадвалга қаранг).

### 3–жадвал

#### Турли ҳароратда помидор куясининг ривожланиши

(Лаборатория тажрибаси, ЎХҚИТИ, 2017–2018 йй.)

Қайтариқлар	Ўртача кунлик ҳарорат, °C	Ҳавонинг нисбий намлиги, %	Куянинг ривожланиш даври, кун				
			тухум	1–2 ёш қурт	3–4 ёш қурт	ғумбак	1 авлод учун
I	18–20	50–65	7,9	11,0	12,0	15,9	46,8
II	20–25	55–60	4,2	4,1	5,3	7,8	21,4
III	25–30	50–40	3,0	3,2	4,1	4,9	15,2

Юқоридаги тажрибаларни таҳлил қилиб, помидор куясининг турли шакллари (тухум, қурт, ғумбак) учун фойдали ҳарорат йиғиндисини ўргандик. Бунда илмий адабиётлар маълумотларига ҳамда олиб борилган кузатувларимизга таянган ҳолда, помидор куясининг ривожланиши яъни қишлоқдан чиқишини (пастки чегара) +10,1°C деб олинди. Ўтказилган тажрибаларимиздан маълум бўлдики, помидор куясининг тухумлик даври учун фойдали ҳарорат йиғиндиси +75,6 °C, 1–2 ёш қурт учун 102,4 °C, 3–4 ёш қуртлар учун +108,3 °C ҳамда ғумбаклик даврига кетадиган фойдали ҳарорат йиғиндиси +137,1°C бўлиши аниқланди. Демак, помидор куясининг тухумдан капалакгача бўлган даври учун фойдали ҳарорат йиғиндиси +427,8 °C бўлиши тасдиқланди (4–жадвалга қаранг).

Помидор куясининг ўсимлик ҳосилдорлигига келтирадиган зарари. Помидор куяси дастлаб (йил бошида) иссиқхоналарда кўпайиб, ҳосилга сезиларли даражада зарар етказади.

Эрта баҳорда шамоллатиш учун очилган иссиқхоналардан бегона ўтларга, сўнгра очик далаларда экилган помидорларга ўтади ва зарар етказа бошлайди.

#### 4–жадвал

### Помидор куясининг ривожланиши учун талаб этилган фойдали ҳарорат йиғиндиси (ФХЙ) °С

(Лаборатория тажрибаси ЎХҚИТИ 2017–2018 йй.)

Қайтариқлар	Тухум	1–2 ёш қурт	3–4 ёш қурт	Ғумбак	Тухумдан капалаккача
ФХЙ °С					
I	75,6	103,5	109,9	134,9	423,4
II	75,4	103,4	108,9	135,2	422,9
III	75,8	103,9	109,3	135,2	424,2
<i>Ўртача</i>	<i>75,6</i>	<i>103,6</i>	<i>109,2</i>	<i>135,1</i>	<i>423,5</i>

Помидор куяси баргнинг (бир текисда) паренхима тўқималари билан озикланиб, баргнинг орқа ва олд томонидаги эпидермис қатламинигина қолдиради (3–расмга қаранг).



1



2

3–расм. Помидор куясининг зарари; 1– помидор баргини зарарлаши, 2– помидор мевасини зарарлаши.

Қуртлар яшил помидор мевасини ичига кириб олиши натижасида уларнинг чиқарган ахлати ва турли хил касаллик туғдирувчи микроорганзмлар ҳисобига ўсимлик меваси чирий бошлайди. Помидор куяси билан ўсимликлар гуллаш даврининг бошланишида зарарланганида қуртлар барг юзасидаги паренхима тўқималари билан озикланиб, барг юзасида нотекис оқ доғлар пайдо қилади. Бунда, Каролина F<sub>1</sub>, дурагай шаклида назоратга нисбатан 1,54 кг., яъни 68,9% ҳосилдорликнинг йўқотилиши кузатилди.

Колипсо F<sub>1</sub>, дурагай шаклида эса, ҳосилдорлик йўқотилиши 1,875 кг. (88,1%) ни ташкил қилди. Мева пишиш даврида ўсимликлар куя билан зарарланганида эса, ҳосилдорлик камроқ йўқотилиб, назоратга нисбатан Каролина F<sub>1</sub>, дурагай шаклида 0,921 кг. (41,2%) ни, Колипсо F<sub>1</sub>, дурагай шаклида эса 0,888 кг. (41,7%) ни ташкил этди (5–жадвалга қаранг).

Ғовакловчи пашша–(*Liriomyza sativae*) нинг тухуми, личинкаси ва ғумбаги сохта пилла ичида ривожланиши учун энг пастки ҳарорат чегараси 9–10°С дир. Энг мўтадил 25–30°С ҳароратларда тухум ва личинкасининг ривожланиши учун 7–9 кун кифоя бўлади. Худди шу ҳароратларда ғумбак ривожланиши учун ҳам 8–9 кун зарур бўлди. 15°С да тухум, личинка ва ғумбакларининг ривожланиши 25–30 кун давом этди. Ғовакловчи пашша помидорнинг гуллаш даврида зарарланиш 1 баллни ташкил этганда, 1 туп ўсимликдан 820 гр. ҳосил, 2 балл даражасида зарарланганида 1500 гр.,

барглар 4 ва 5 балл билан зарарланганда эса 2587,6–2849 гр. ҳосил камайиб, зарарланганлик коэффиценти 82,5% ва 91,04% ни ташкил этди.

### 5–жадвал

#### Помидорнинг турли навлари ва ўсиш даврларида куянинг ҳосилдорликка етказган зарари

«Шомурод ўғли» МЧЖ ф/х. тажрибаси 2016–2018 йй

Помидорнинг дурагай шакллари	Қайси даврда ўсимлик зарарланди	Бир туп ўсимликда				Назоратга нисбатан йўқотилган ҳосил, кг, %
		Зарарланган мева оғирлиги, кг	%	Зарарланмаган мева оғирлиги, кг	%	
Каролина F <sub>1</sub>	Кўчат	0	0	0	0	0
–»–	Гуллашнинг бошланиши	0,379	54,6	0,314	45,4	1,540 (68,9%)
–»–	Мева пишишнинг бошланиши	0,489	46,5	1,314	53,5	0,921 (41,2%)
Назорат (зарарсиз)	–	–	–	2,235	–	–
Колипсо F <sub>1</sub>	Кўчат	0	0	0	0	0
–»–	Гуллашнинг бошланиши	0,223	46,7	0,254	53,3	1,875 (88,1%)
–»–	Мева пишишнинг бошланиши	0,421	45,6	1,241	54,4	0,888 (41,7%)
Назорат (зарарсиз)	–	–	–	2,129	–	–

Мева пишиш даврида помидор барглари 1 балл билан зарарланганида зарарланганлик коэффиценти 3,7% ни, 2 балл билан–16,4% ни, 3 балл билан–32,4% ни, 4 ва 5 баллда эса 61,5 ва 81,3% ни ташкил этди. Демак, ғовак ҳосил қилувчи пашшанинг зарар келтириши унинг барг юзасини эгаллаш даражасига қараб ортиб бориши маълум бўлди.

Кузатувларимизга кўра, иссиқхона оққанотининг зарар келтириши унинг барг юзасини эгаллаш даражасига қараб ортиб бориши маълум бўлди, ҳамда помидор ўсимлиги иссиқхона оққаноти билан 4–5 балл даражасида эгалланганида, амалий жиҳатдан деярли барча ҳосил нобуд бўлиб, қолгани ҳам қаттиқ зарарланиш натижасида майда ва сифатсиз бўлиши кузатилди. Тажриба натижаларига асосланиб шуни таъкидлаш жоизки, иссиқхона оққанотини помидор ўсимлигидаги ИЗММ 0,5 баллни 7% ҳосил камайиши ташкил этиб, бу ҳолатда зараркунандага қарши химоя тадбирларини ўтказиш зарур бўлади. Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, иссиқхона оққаноти билан зарарланиш 1 баллни ташкил этганда, 1 туп ўсимликдан 14,0%, 2 балл даражасида зарарланганида 30,1%, ўсимлик барглари зараркунанда билан 4 ва 5 балл даражасида зарарланганида эса 75,5–88,2% ҳосил камайиши кузатилди (6–жадвалга қаранг).

Кузатишлар шуни кўрсатдики, занг кана (*Aculops lycopersici*) билан зарарланган ўсимлик поялари кумуш рангга кириб, барглар аввал сариқ ялтироқ доғлар билан қопланади, кейинчалик эса, баргнинг барча қисми сарғайиб қуриб кетади.

Натижада улар ривожланишдан орқада қолиб 18 кундан кейин бутунлай нобуд бўлади. Тажрибалардан маълум бўлдики, помидор ўсимлиги

занг кана билан кўчатлик даврида зарарланса, ўсимлик бутунлай куриб қолиши кузатилади.

## 6–жадвал

### Помидорни иссиқхона оққаноти билан зарарланиш зичлигига қараб ҳосилнинг камайиши.

Дала тажрибаси, Қибрай тумани, «Шомурод ўғли» МЧЖ 2016–2017 йй.

Оққанот зичлиги, балл	1 туп ўсимликдаги ўртача ҳосил, кг	1 дона меванинг ўртача оғирлиги, г	Назоратга нисбатан ҳосилнинг камайиши	
			кг	%
1	2,54	90,5	0,4	14,0
2	2,07	76,2	0,9	30,1
3	1,1	58,4	1,9	62,9
4	0,69	42,9	2,3	75,5
5	0,34	31,8	2,6	88,2
Назорат (тоза)	2,96	98,0	–	–

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, помидор ўсимликлари шоналаш даврида кана билан зарарланса (1 балл) ҳар 1 туп ўсимликдан 2038,5 гр. ҳосил камайиб, зарарланганлик коэффиценти 52,6% ни; 2 балл даражасида зарарланса 2545,6 гр. ҳосил камайиб, зарарланганлик коэффиценти 66,6% ни; 3 балл даражасида зарарланса 2740,8 гр. ҳосил камайиб, зарарланганлик коэффиценти 70,7% ни ташкил этар экан. Агарда ўсимликлар 4 балл даражасида зарарланса тенг равишда 3087,8 гр. ва 80,0% ни, агар 5 балл даражасида бўлса ҳосили 3307,4 гр. гача камайиб, зарарланганлик коэффиценти 85,3% ни ташкил қилди (7–жадвалга қаранг).

## 7–жадвал

### Турли муддатларда зарарланган помидор ўсимликларида занг кананинг зарарланганлик коэффиценти

Дала – садок тажрибаси, 4 қайтаришда, 2016–2018 йй.

Зараркунданинг зичлиги, балл	Ўртача 1 туп ўсимликда меваларнинг сони, дона	Ўртача 1 дона мева вазни, г	Ўртача 1 туп ўсимликдан олинган ҳосил, г	Назоратга нисбатан ҳосил, камайиши, г	Зарарлилик коэффиценти, %
<i>Ўсимликлар шоналаш даврида зарарланган</i>					
Назорат	36,6±0,55	105,9	3875,9±0,71	–	–
1	19,2±0,69	95,7	1837,4±0,73	2038,5±0,61	52,6±0,34
2	15,8±0,58	84,2	1330,3±0,68	2545,6±0,71	65,6±0,59
3	14,1±0,71	80,5	1135,1±0,76	2740,8±0,77	70,7±0,64
4	11,1±0,76	71,0	788,1±0,75	3087,8±0,67	80,0±0,63
5	8,3±0,72	68,5	568,5±0,68	3307,4±0,74	85,3±0,70
<i>Ўсимликлар мева пишиш даврида зарарланган</i>					
Назорат	37,5±0,81	107,4	4027,5±0,81	–	–
1	31,9±0,54	104,2	3324,0±0,72	703,5±0,69	17,4±0,51
2	32,7±0,59	101,1	3306,0±0,66	721,5±0,57	18,0±0,73
3	28,5±0,57	94,8	2702,0±0,64	1325,5±0,49	33,0±0,51
4	24,3±0,68	92,3	2243,0±0,69	1784,5±0,65	44,3±0,47
5	12,9±0,65	85,9	1108,1±0,46	2919,4±0,51	72,4±0,53

Зарарланиш мева пишиш даврида 1 балл даражасида бўлганида, ҳосилдорлик ҳар бир тупдан 703,5 гр. камайиши аниқланди, зарарланганлик коэффиценти эса 17,4% га тенг бўлди. Ўсимликлар шу даврда 2 балл билан зарарланганида 721,5 гр. ҳосил нобуд бўлиб, зарарланганлик коэффиценти


18,0% га тенг бўлди. Мева пишиш даврида ўсимликлар 3 балл билан зарарланганида эса, ҳосилдорлик 1325,5 гр. камайиб зарарланганлик коэффиценти 33,0% га тенг бўлди. Занг канаси 4 балл зичлигида зарарлаганида 1 туп ўсимликдан 1784,5 гр. гача ҳосил озайиб, зарарланганлик коэффиценти 44,3% га тенг бўлди.

Бешинчи балл билан зарарланган ҳар 1 туп ўсимликда зарарланганлик коэффиценти 72,4% га тенг бўлиб, 2919,4 гр. ҳосил камайиши кузатилди.

